



Айрим саҳобалар илм ва ҳадис ўрганишга иштиёқлари кучли эканидан турли хил саволлар беришарди.

Бунинг натижасида ҳалол нарсалар ҳаромга ва мустаҳаб амаллар эса вожибга айланарди. Абу Хурайра (розияллоҳу аңху) бундай ривоят қилади: «Бир куни Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бизга хутба қилиб: «Эй инсонлар, Аллоҳ таоло сизга ҳажни фарз қилди. Бас, ҳаж қилинглар», дедилар. Шунда Бани тамимлик Ақро ибн Хобис: «Ё Расулulloх, ҳар йилими?» деб сўради. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) индамадилар. У бу саволини уч марта қайтарди. Шундан сўнг Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Агар мен: «Ҳа», десам, вожиб бўлади ва сизнинг бунга тоқатингиз етмайди. Башарти сизга буюрмасам, мени тинч қўйинглар. Сиздан олдингиларни кўп савол сўрашлари ва пайгамбарларига қарши борганлари ҳалок қилгандир. Сизни бирор нарсдан қайтарсам, ундан узоклашинглар ва бирон нарсага буюрсам, қодир бўлганингизча унга амал қилинглар», дедилар (Муттафакун алайх).

Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ушбу танбехларини тасдиқлаб Куръони Каримда Бани Исроилнинг қотиллик борасида жанжаллашгани ҳақида қисса қелади.

## БАНИ ИСРОИЛНИНГ СИГИРИ

Мусо (алайхиссалом) замонида бир бой кишининг ягона кашшок амакиваччасидан бошка меросхўри бўлмади. Жиян тезрок бойиш максасида бойни ўлдириб, мурдасини кўшни кишлок яқинига ташлаб кетади. Бу котиллик сабаб икки қабила ўртасида низо чиқади ва ихтилофни бартараф этиш максасида Мусо (алайхиссалом)га мурожаат этишади. Мусо (алайхиссалом) масалага ойдинлик киритиш учун: «Аллох сизларни (бирор) сигир сўйишга буюрди» (Бақара, 67). Унинг аъзосидан бирини олиб мурдани у билан урсангиз, у тирилиб сизга ўз котилини айтиб беради», дейди.

Бани Исроил манман, кайсар кавм эди. Улар вахийга эмас, ноқис ақллариға суянганлари учун: «Бизни истехзоға тутяпсанми?» (Бақара, 67) «Сигир билан котилликнинг ўртасида қандай боғлиқлик бор?! Ўлган одамни тирилтириб бўлар эканми?!» қаби ўринсиз саволларни бердилар. Мусо (алайхиссалом): «Сизға Аллох таоло буюрган нарсани айтяпман, холос. Қандай қилиб Парвардигор номидан ёлгон сўзлашим мумкин? Жохиллардан бўлиб қолишимдан мени Аллох асрасин!» (Бақара, 67), деди.

Бани Исроил бозордан бир сигир сотиб олиб, шундоққина сўйганида эди, максасидға етган бўларди. Лекин улар қайсарлиғи, ўзига қийинлаштиришни яхши кўришгани сабаб: «Роббингдан биз учун дуо қилиб сўра, бизға у (сигир) нималиғини баён қилсин!» (Бақара, 68) дейишди. Аллох таоло ҳам уларға қийин қилди: «У қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган ўрта ёшдағи сигирдир. Бас, сизға буюрилган нарса (иш)ни қилингиз!» (Бақара, 68). Бу оят буюрилган ишни бажаришға иккинчи бор амр эди. Нодон кавм бу имқониятдан ҳам бош тортди. Сигирнинг ёшини билганидан сўнг унинг ранғи ҳақида сўради. Аллох таоло учинчи бор вахий қилди: «У ярқирок, сарғиш ранғли сигир бўлиб, кўрганларни қувонтирур» (Бақара, 69).

Кавм айтилган сифатлардағи сигирни кўп ерлардан, узок вақт ахтарди. Ниҳоят айтилган сифатлар бир нечта сигирға тўғри келди. Улар келганидан сўнг Мусо (алайхиссалом): «Сигирни қурбонлик қилдингизми?» деб сўради. Кавм: «Биз айтилган сифатдағи сигирни қидирдик. Бу сифатлар кўп сигирларға тўғри келмокда. Биз айнан қайси сигир экани борасида қалқашиб қолдик», деб жавоб берди. Мусо (алайхиссалом): «Нима учун ана шу сифатлар тўғри келган бирорта сигирни сўйиб кўя қолмадингиз?» деб сўради. Кавм: «Роббингдан бизға у сигирнинг бошқаларида учрамайдиган аниқ сифатларини айтишини сўра, шояд, қўнғлимиз хотиржам тортса!» деди. Бу гапдан Мусо (алайхиссалом) қаттиқ қазабланди. Бундан илғари Тур тоғидан қайтганида қавмининг бузукка ибодат қилганини кўргандағи қаби қазаби келди. Лекин қавмининг: «Худо хоҳласа биз, албатта, тўғри йўлни топувчилармиз» (Бақара, 70), дея ёлворганидан сўнг анча тинчланди ва: «У айтмокдаки, у шундай сигирки, ер ҳайдашға ҳам, экинларни сугоришға ҳам ўргатилмаган, нуқсонсиз, унда (сарғиш рангдан бошка) ранг йўқ» (Бақара, 71) деди. Нодон қавм эса: «Ана энди ҳақиқатни айтдинг» (Бақара, 71), деди. Мусо (алайхиссалом) бундан олдин ҳам ҳақ гапни айтган эди. Лекин уларнинг қибр-ҳаволари ва ақллари буни инқор этганди.

Айтилган сифатларға эға бўлган сигир қавмдағи фақат бир қишида топилди. Бани Исроил сигирни кўриши билан дарҳол сифатларни солиштира бошлади. Айтилган

сифатлар тўлигича топилгач, эгасига сигирга сигир алишишни таклиф қилишди. У рози бўлмади. Ўрнига иккита сигир бермокчи бўлдилар, яна рози бўлмади. Кавм сигир эгасига вазиятни тушунтирар, ёлворар эди. У одам эса хар канча нарх айтсалар хам кўнмасди. Охир-окибат сигирнинг вазнича олтин эвазига рози бўлди. Кавм узок кидирув, катта машаккат, кўп маблағ сарфлаб сигирни кўлга киритдилар. Сўнг Мусо (алайхиссалом)нинг хузурига келдилар.

Бани Исроил интиклик билан кутган, хамма гувоҳ бўлган кун келди. Сигирни сўйганларидан сўнг Мусо (алайхиссалом) унинг бир бўлагини олиб, ўлдирилган одамнинг танасига уришга буюрди. Шунда Аллох таолонинг изни билан мурдага жон кирди. Аллохнинг пайгамбари Мусо (алайхиссалом) икки кишлок ахли олдида: «Сени ким ўлдирди?» деб сўради. Маййит: «Мени акамнинг мана бу ўгли ўлдирди», деди. Яна: «Кандай қилиб, нима учун ўлдирди?» деб сўради. Маййит: «Менга меросхўр бўлиш, кизимга уйланиш учун ўлдирди», деди ва кандай ўлдирганини айтиб берди.

Мусо (алайхиссалом) Бани Исроилнинг кайсар феълидан таажжубга тушди. Ё тавба, Аллох таоло уларнинг кўз ўнгида ўликни тирилтириб кўйди. Шундай мўъжизани кўрганидан кейин хам уларнинг диллари котди.

Бани Исроилда бўлган бу воқеа барчага ибрат ва дарс бўлиши учун Куръони Каримда то Киёматга қадар мухрланиб қолди.

Манбалар асосида  
Мутаххаро АХМАДУЛЛОХ кизи,  
тайёрлади